

# Росулуллоҳниң хулқлари ҳақида келган ҳадислар баёни.

2

﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي خَلْقِ رَسُولِ اللَّهِ﴾

2

صلی اللہ علیہ وسلم

[ Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي ]

Абу Ийсо Мұхаммад ибн Ийсо Термизий

Таржимон: Абдуллоҳ Шариф

Нашрға тайёрловчи: Шамсиiddин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

~1~

# ﴿بَابُ مَا جَاءَ فِي خَلْقِ رَسُولِ اللَّهِ﴾

2

صلى الله عليه وسلم

« باللغة الأوزبكية »

أبو عيسى محمد بن عيسى الترمذى

ترجمة: عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

## بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله نحمه ونستعينه ونتوب إليه ، ونعود بالله من شرور أنفسنا ومن سيئات أعمالنا ، من يهدى الله فلا مضل له ومن يضل فلا هادي له ، وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له وأشهد أن محمد عبده ورسوله صلى الله عليه وعلى آله وأصحابه ومن تبعهم بإحسان وسلم تسليما . أما بعد :

Ассалому алайкум вараҳматуллоҳи вабаракотуҳ! ҳурматли мўъмин биродарлар! Бу "шамоили мұхаммадия" китобидан бўлаётган дарсларимиздан йигирма тўққизинчи ҳалқа бўлиб, бу дарсда аввалги сұхбатимизда ўтган Пайғамбар алайҳиссаломнинг хулқларининг давомини ниҳоясига етказамиз. Иншааллоҳ!

347 - حدثنا محمد بن بشار ثنا محمد بن جعفر ثنا شعبة عن أبي عبد الله الجدلي  
واسمه عبد بن عبد عن عائشة أنها قالت لم يكن رسول الله فاحشا ولا متفحشا ولا صخبا في  
الأسواق ولا يجزي بالسرقة السيئة ولكن يعفو ويصفح

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ёмон сўзу амаллардан жуда узоқ эдилар, бозорларда овоз кўтариб, шовқин қилишдан ҳам йироқ эдилар, ёмонликка ёмонлик билан жавоб қилмас, балки кечириб юборар эдилар".

348 - حدثنا هارون بن إسحاق الهمداني ثنا عبدة عن هشام بن عروة عن أبيه عن عائشة رضي  
الله عنها قالت ما ضرب رسول الله بيده شيئاً قط الا ان يجاهد في سبيل الله ولا ضرب خادماً أو  
إمراة

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам муборак қўллари билан Оллоҳ йўлидаги жиҳодлардан бошқа ўринларда, ҳеч кимни на хизматкорни ва на аёл зотини урмаганлар".

**Изоҳ:** Уламолар шу ҳадисга ва бошқа ривояtlарга кўра фарзанд тарбиясида қўл билан уруши номаъқул. Чунки қўл билан урушининг алами аччиқроқ бўлади. Шунинг учун фарзанд тарбиялаши мақсадида уруши учун, хос қамчи ёки таёқча таёrlаб, уни болалар кўрадиган

жойға осиб құйған маңқул. Тоинки болалар уни күрганларида беодобликдан қайтсилар. – дейдилар.

**Изоҳ:** Мулла Али қори айтадиларки: "Бу ҳадисда Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, бирон кишини муборак құллари билан урмаган әдилар -дейілсада. Лекин хизматкор ва аёл зотини алоҳида қайд қилинди, гарчи ular аввалғи умумиомил сұзнинг остига дохил бўлсалар ҳам. Бу қайднинг сабаби шундаки, одатда шу икки тоиға тарбия мақсадида бошқаларга нисбатан кўпроқ қалтакланадилар. Одоб берииш шартларига риоя қўлган ҳолда, ularни уруши мумкин бўлсада, лекин бундай услубни қўлламаган аълодир".

– حدثنا أَمْرُ بْنُ عَبْدِ الْعَظِيمِ ثَنَا فَضِيلُ بْنُ عَيَّاضٍ عَنْ مُنْصُورٍ عَنْ زَهْرِيِّ عَنْ عُرُوْةِ عَنْ عَائِشَةَ قَالَتْ مَا رَأَيْتَ رَسُولَ اللَّهِ مُنْتَصِراً مِنْ مُظْلَمَةٍ ظَلَمَهَا قُطُّ مَا لَمْ يَنْتَهِ مِنْ مُحَارِّمٍ اللَّهُ تَعَالَى شَيْءٌ إِذَا انتَهَكَ مِنْ مُحَارِّمٍ اللَّهُ تَعَالَى شَيْءٌ كَانَ مِنْ أَشَدِهِمْ فِي ذَلِكَ غُضْبًا وَمَا خَيْرٌ بَيْنَ أَمْرِيْنِ إِلَّا اخْتَارَ أَيْسَرَهُمَا مَا لَمْ يَكُنْ مَأْثَماً

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламни бирор бир чекканды зулм-азиятлари учун модомики бунда, Оллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан –яъни Оллоҳ таоло бизларни қайтарган барча номаңқул ишларни қилиши ва динимизда муқаддас -деб эътиборга олинган нарсаларни беҳурмат қилишидир- биронтасини поймол қилинмас экан ўч олганликларини кўрмадим. Аммо бу нарсалардан биронтаси оёқ ости қилинадиган бўлса, у зот бунга ҳаммадан ҳам кўп ғазаб қилар әдилар. Агар у зот икки ишдан бирини танлайдиган бўлсалар, модомики бунда маъсият бўлмас экан улардан енгилини танлар әдилар".

**Изоҳ:** Мулла Али қори Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳдан нақл қилиб айтадиларки: "Бу ихтиёр бир жиноятга икки жазо бўлиб, у жазонинг бири оғир иккинчиси енгилроқ бўлган ҳолатда, енгилини танлашилларидир. Ёки коғирларга уруши қилиши ё улардан жися олишига ҳоҳиши берилганда, енгилини ихтиёр этардилар. Ёки бу ихтиёр умматларининг ҳаққида бўлиб, ular ибодатларда жиодди-жсаҳд қилишилари, ёки ўрта ҳол билан ибодат қилмоқликлари ўртасида берилган бўлиши ҳам мумкин". Мулла Али қори сўзларининг давомида айтадиларки: "Мени назаримда Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ айтмаган яна бир нарса қолди. У ҳам бўлса Оллоҳ таоло, Пайгамбар алайҳиссалом учун, умматларига бирор нарсани ҳаром, ёки ҳалол қилишида ва суннат ёки макруҳ қилишида ихтиёр бершишидир".

– حدثنا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَفِيَّانَ عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَرِ عَنْ عُرُوْةِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ اسْتَأْذِنُ رَجُلًا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ وَأَنَا عِنْدِهِ فَقَالَ بَئْسَ إِبْرَاهِيمُ الْعَشِيرَةُ أَوْ أَخُو الْعَشِيرَةِ ثُمَّ اذْنَ لَهُ فَلَمَّا

دخل الان له القول فلما خرج قلت يا رسول الله قلت ما قلت ثم ألنت له القول فقال يا عائشة إن  
من شر الناس من تركه الناس أو ودعه الناس إتقاء فحشه

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Бир киши Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириш учун изн сўради. Мен ўшанда у зотнинг олдиларида эдим. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам "Бу нақадар ёмон инсон дедилар-да, сўнг киришга рухсат бердилар. Киргандан кейин эса унга жуда мулойим гапирдилар. У чиқиб кетгач айтдимки : Ё! Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, бу одам ҳақида бир нарсалар дедингиз-у, кейин эса, унга жуда мулойимлик қилдингиз-а? У зот айтдиларки: Эй Оиша энг ёмон киши, одамлар унинг ёмонлигидан сақланиш учун, уни тарқ қилишган, ундан ўзларини олиб қочадиган одамдир".

**Изоҳ:** Муборакфурӣ "Тӯҳфатулаҳвазий" китобларида (6/112) Нававий раҳимаҳуллоҳдан нақл қилиб айтадилар: "бу кишининг исми Үйайна ибн Ҳисн бўлган. Ўша вақтда ўзини мусулмон кўрсатсада исломга кирмаган эди. Росууллоҳ соллоллоҳу алайҳи ва саллам унинг ҳақиқий ҳолатини билдириб қўймоқчи бўлдилар, тоинки одамлар унинг зоҳирига алданиб қолмасин. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётликларида ҳамда вафотларидан кейин ҳам у кишининг иймонида заифлик борлиги яққол кўриниб турар эди. Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай баҳо беришиларида у кишининг пайғамбарлик аломатлари ҳам бор. Чунки бу инсон Росууллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ўтганларидан кейин муртад бўлиб кетиб, Абу Бакр розиёллоҳу анҳу даврларида асир бўлиб тушган экан". (иқтибос тугади) Баъзи олимларимизниг айтишиларича, бу киши яна исломга кириб вафот этганлар шунга қўра у кишини саҳобалардан деб эътиборга оладилар.

351 - حدثنا سفيان بن وكيع ثنا جمیع بن عبد الرحمن العجلي حدثني رجل من بنی تمیم  
من ولد أبي هالة زوج خديجة ويکنی أبا عبد الله عن ابن لأبي ها لة عن الحسن بن علي رضي الله  
عنهمما قال قال الحسين بن علي سألت أبي عن سيرة رسول الله في جلسائه فقال كان رسول الله دائم  
البشر سهل الخلق لين الجانب ليس بفظ ولا غليظ ولا صخاب ولا فحاش ولا عياب ولا مشاح  
يتغافل عمما لا يشتهي ولا يؤيis منه راجيه ولا يخيب فيه قد ترك نفسه من ثلاثة النساء والإكثار  
وما لا يعنيه وترك الناس من ثلاثة كان لا يذم أحدا ولا يعييه ولا يطلب عورته ولا يتكلم إلا فيما  
رجا ثوابه وإذا تكلم أطرق جلساوته لأنما على رؤوسهم الطير فإذا سكت تكلموا لا يتنازعون

عنه الحديث ومن تكلم عنه أنصتوا له حتى يفرغ حديثهم      عنه الحديث أو لهم يوضح ما  
 يوضحون منه ويتعجبون منه ويصبر للغريب على الجفوة في منطقه ومسئلته حتى ان  
 كان اصحابه ليستحلبونهم ويقول إذا رأيتم طالب حاجة يطلبها فأرفدوه ولا يقبل الشناه الا من  
 مكافئ ولا يقطع على احد حديثا حتى يجوز فيقطعه بنهي أو قيام

Ҳасан розияллоҳу анхудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Иним Ҳусайн айтадики: "Отам Али розиллоҳу анхудан Пайғамбар алайҳиссалом Саҳобаи киромлар билан бирга ўтирган чоғларида қандай хулқ-одобларни мулозамат қилар эдилар -деб сўрадим. Отам айтдиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамиша очиқ чехра, хушмуомала, мулойим зот эдилар. Сўз-у феълларида қўполлик йўқ, овозларини баланд кўтармайдиган, фохиш сўзлар ва амаллардан жуда йироқ, бирорларни танқид қилмайдиган, баҳилликни билмайдиган зот эдилар. Агар қўнгилларига ёқмайдиган сўз ёки ишни шоҳиди бўлсалар, ўзларини билмаганга, ёки қўрмаганга солар эдилар ва ўша феъл соҳибини ўзларининг марҳаматларидан ноумид ҳам, қилмас эдилар ва ўша қўнгилсиз иш ҳақида, жавоб ҳам қилмас эдилар. У зот ўзларини уч нарсадан тийиб олган эдилар. Ноўрин тортишувдан, ўзини мутакаббirono тутишдан,- бошқа нусхада кўп сўзлашдан- ва манфаатсиз сўзлар ва амаллардан. Одамларни ҳам уч нарсада ўз ҳолларига қўйган эдилар. Яъни бирорни ёмонламасдилар, айбламас ҳам эдилар ва ортидан айбларини кузатмас ҳам эдилар. Сўзласалар фақат савобли ишлар ҳақида сўз юритар эдилар. Гапирганларида у зотнинг олдиларида ҳамсуҳбатлари бошларини қуи қилиб, гўё бошларида күш қўниб тургандек ўтиришар эди. Агар у зот сўзлашдан тўхтасалар, улар яъни Саҳобалар сўзга киришар эдилар, лекин у зотнинг ҳузурларида ҳеч қандай тортишувга ружуъ қилмас эдилар. Бирор у зотнинг ҳузурларида сўзласа, у сўзини тугатгунича ҳаммалари жим туришарди. Ҳар бирларининг сўзлари, у зотнинг ҳузурларида олдинги шахснинг сўзицек эди. –яъни аввалги кишига қандай қулоқ солган бўлсалар бошқаларга ҳам анашундай қулоқ солар эдилар- Улар кулишган нарсадан, у зот ҳам кулар эдилар. Улар таажубланишган нарсадан, у зот ҳам таажубланар эдилар. Ғариб –бегона, чўл аҳлига мансуб киши- кишининг мантиқ ва саволидаги қўполлигига сабр қилар эдилар. Ҳатто саҳобалар Пайғамбар алайҳиссаломдан истифода қилиш мақсадида, анашундай одамларни у зотнинг ҳузурларига олиб келишар эди. –Баъзи шарҳловчи уламолар айтадиларки: "Чунки одатда, чўллик одамлар, шаҳарликларга нисбатан қўрсроқ бўлишади. Шунинг учун Пайғамбар алайҳиссаломга яқин бўлган Саҳобалар ҳам, у зотдан сўрашга ботина олмайдиган саволларни, чўлдан келган кишилар бемалол сўрай олишарди". Ҳатто баъзи ривоятларда келишича, Саҳобалар айтадиларки: "Бизлар баъзи бир масалаларни Пайғамбар алайҳиссаломдан сўрашга ботина олмай, чўлдан бирор бадавий келиб қолса-ю, шу саволимизни Пайғамбар алайҳиссаломга арз қилиб, бизларни муаммоимизни ечса -дер эдик". Бундан ташқари Росулуллоҳ саллаллоҳу алаайҳи васалламнинг атрофида кўпдан бери жамланиб келган

*Саҳобалар, у зотда кўришиган гўзал хулқлар туфайли, у зотдан саволлар сўрашилик у ёқда турсин, балки юзларига тик боқишига ҳам уяладиган бўлиб кетган эдилар.*

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сифатларини давомида Али розияллоҳу анҳу айтадиларки: "Ва биронта ҳожатманд кишини кўрсангизлар, унга ёрдам қўлингизни чўзинглар! -дер эдилар. Яхшиликка миннатдорчилик билдиromoқчи бўлган кишидан бошқа ҳеч бир шахсдан мақтовни қабул қилмас эдилар. Ҳеч кимнинг сўзини кесиб, нутқидан тўхтатиб қўймас эдилар, агар ҳаддан ошиб кетса, унинг нутқини, наҳий қилиш, ёки туриб кетиш билан кесиб қўяр эдилар".

352 - حدثنا محمد بن بشار ثنا عبد الرحمن بن مهدي ثنا سفيان عن محمد بن المنكدر قال سمعت

جابر بن عبد الله يقول ما سئل رسول الله شيئاً قط فقال لا

Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, қачоники бирор нарса сўралган бўлсалар, йўқ! -деб жавоб қилган эмаслар".

353 - حدثنا عبد الله بن عمران أبو القاسم القرشي الملكي ثنا إبراهيم بن سعد عن ابن شهاب عن

عبيد الله عن ابن عباس رضي الله عنهما قال كان رسول الله صلى الله تعالى عليه وسلم أجود الناس بالخير وكان أجود ما يكون في شهر رمضان حق ينسلخ فیأتيه جبريل فيعرض عليه القرآن فإذا لقيه جبريل كان رسول الله أجود بالخير من الريح المرسلة

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом одамларнинг энг саховатлиси эдилар. Хусусан рамазон ойида, ой тугагунча жуда ҳам сахий бўлиб кетар эдилар. Рамазон ойида Жаброил алайҳиссалом келиб, у зотга қуръонни ўқиб эшииттирас эдилар. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссҳалом билан учрашган вақтларда яхшиликлар олиб келувчи шамолдан ҳам, саховатли бўлиб кетар эдилар".

**Изоҳ:** Мулла Али қори айтадиларки: "Рамазон ойида Пайғамбар алайҳиссаломнинг саховатларини ошиб кетишига сабаб, чунки бу ой хайротлар мавсуми, ажр-савоблар зиёда бўладиган дамлардир. Оллоҳ таоло шу ойда бандаларига бошқа ойларда қилмаган марҳаматларини кўрсатади". Уламолардан Ҳанафий раҳимаҳуллоҳ Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг саховатларини шамолга ташбех қилинишидан мақсад. Чунки Манабу шамол ўзи билан бирга ёмғир-сувлар олиб келиб, ерларни сугориб, ҳосилни мўл-кўл қилиб, саховат номини олганлиги учундир. Умуман олганда ҳадисда Пайғамбар алайҳиссаломнинг саховатлари, ҳамма ҳалойиқнинг саховатидан баланд эканлигига ва рамазон ойидаги саховатлари эса, бошқа ойлардаги саховатларидан ҳам ортиб

кетишига, сүнг рамазон кечаларида Жаброил алайхиссалом билан учрашиб, қуръонни дарс қилишган вактдаги саховатлари, шу рамазон ойининг бошқа кунларидаги саховатларидан ҳам зиёда бўлиб кетишига ишора қилинмоқда!- дейдилар".

354 - حدثنا قتيبة بن سعيد ثنا جعفر بن سليمان عن ثابت عن أنس بن مالك رضي الله عنه قال

كان النبي لا يدخل شيئاً لغد

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайхиссалом эртанги кун учун, бирор нарсани асрamas эдилар".

**Изоҳ:** Баъзи уламолар айтадиларки: "Бу ҳам бўлса, у зотнинг Раббиларига бўлган таваккалларининг баркамоллигидандир. Гоҳо у зот, аҳл-аёллари учун бир йиллик озуқани ҳам, гамлаб қўяр эдилар. Чунки уларнинг иймоний қувватлари, у зотнинг иймоний қувватларига баробар эмас албатта. Ва яна бундай бир йиллик озуқани жамлашларидан бўлган ҳикмат, буни умматларига ҳам суннат бўлишини кўзда тутишиларидир".

355 - حدثنا هارون بن موسى بن أبي علقة المديني حدثني أبي عن هشام بن سعد عن زيد بن أسلم عن أبيه عن عمر بن الخطاب رضي الله عنه أن رجلا جاء إلى رسول الله صلى الله تعالى عليه وسلم فسألته أن يعطيه فقال النبي ما عندي شيء ولكن اتبع على فإذا جاءني شيء قضيته فقال عمر يا رسول الله قد أعطيته مما كلفك الله ما لا تقدر عليه فكره النبي قول عمر فقال رجل من الأنصار يا رسول الله انفق ولا تخف من ذي العرش إقلالا فتبسم رسول الله وعرف في وجهه البشر لقول الانصاري ثم قال بهذا أمرت

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, айтадиларки: "Бир киши Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларига келиб, бир ҳожатини сўради. Пайғамбар алайхиссалом ҳозир менда ҳеч нарса йўқ, лекин сен эҳтиёж бўлган нарсани, мени номимга сотиб олавер, мен кенгчилик бўлиб қолса қарзимни ўтарман! –дедилар. Умар айтадиларки: Ё Росулуллоҳ! саллаллоҳу алайҳи васаллам! сиз унга қўлда борини берган бўлсангиз, бундан ташқари Оллоҳ таоло қудратда бўлмаган ишга сизни таклиф ҳам қилмаган-ку! Пайғамбар алайхиссаломга Умар розияллоҳу анҳунинг бу сўзлари ёқмади. Шунда Ансорлардан бир киши айтдики: Ё Росулуллоҳ! саллаллоҳу алайҳи васаллам нафақа қиласверинг! Аршнинг соҳибидан кўнглингиз тўқ бўлсин, унинг мулки ҳаргиз камаймас. Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам, бу саҳобанинг сўзидан

хурсанд бўлиб, юзлари ёришди ва табассум қилдилар. Сўнг, мен манашу нарсага буюрилганман –дедилар".

**Изоҳ:** *Бу ҳам у зотнинг бутун башарият учун фақатгина яхшиликни раво кўрадиган эканликларига ва дунёга заррача ҳам ҳирс қўймаганликларига равшан далилdir.*

– حدثنا علي بن حجر ثنا شريك عن عبد الله بن محمد بن عقيل عن الربيع بنت معوذ إبن

عفراه قالت أتيت النبي بقناع من رطب وأجر زغب فأعطاني ملء كفه حلياً وذهبها

Рубайъ бинту муаввиз ибн Афроъдан ривоят қилинади, айтадиларки: "Мен Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга бир саватда янги пишган хурмо ва яна бир идишда янги пишган, майда тукчалари бор бодринг олиб келдим. У зот, менга кафтлари тўла тилло тақинchoқ бердилар".

**Изоҳ:** *Озгина мева муқобилида, шунча тилло тақинchoқ бершилари, албатта у зотнинг ўта сахиийликлари ва дунёнинг қадри ҳам у зот эътиборларида жуда тубан эканлигидан келиб чиқсан бўлса керак.*

– حدثنا علي بن خشrum وغير واحد قالوا أنا عيسى بن يونس عن هشام بن عروة عن أبيه عن

عائشة رضي الله عنها أن النبي كان يقبل الهدية ويثيب عليها

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади, айтадиларки: "Пайғамбар алайҳиссалом ҳадияни қабул қилар эдилар ва бу ҳадияга ортиғи билан эваз қайтарар эдилар".

*Оллоҳ таоло бизларни ҳам, саховат сардори, башарият учун раҳмат бўлган зотнинг ахлоқларига эргашишимизни насиб айласин.*

وَصَلَى اللَّهُ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ أَجْمَعِينَ وَسَلَّمَ.